

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 14-yanvar, payshanba, 5 (23.441)-son


**Асосий мақсадимиз – халқ билан армия бирдамлиги.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И*

## ОЛИС ҲУДУДЛАРДАГИ БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассислар меҳнатини янада рағбатлантириш, бўш иш ўринларини тўлдириш ҳамда жойларда малакали кадрларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармонига мувофиқ, **олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига** (кейинги ўринларда – бюджет ташкилоти) бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган **олий маълумотли мутахассисларга** (кейинги ўринларда – олий маълумотли мутахассислар) базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баравари** миқдорида бир марталик **бошланғич ёрдам пули** ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 баравари** миқдорида **ҳар ойлик пул компенсацияси**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон фармонига мувофиқ, тиббий олий таълим ташкилотини охирги 3 йил ичида тамомлаган ва бошқа ҳудудда яшовчи **тиббиёт ходими** (кейинги ўринларда – тиббиёт ходими) **олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга** (кейинги ўринларда – тиббиёт муассасаси) ишга қабул қилинганда уларга камида 3 йил ишлаб бериш шарти билан **30 миллион сўм** миқдорида бир марталик **бошланғич ёрдам пули**, уй-жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилиши ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 баравари** миқдорида **ҳар ойлик пул компенсацияси** берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорда олис ва чекка ҳудуд деганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларга махсус устама белгиланадиган ҳудудлар тушунилади;

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси солиқ тўловчининг жами даромадига киритилмайди ҳамда **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди**;

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси ҳамда уй-жой шароитини яхшилаш бўйича имтиёзлардан олий таълим муассасасининг бакалавриати ёки магистратурасини (таълим шаклидан қатъи назар – кундузги, сиртқи, кечки, шунингдек, иккинчи мутахассислик) тамомлаганидан кейин **уч йил мобайнида олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари**, шу жумладан, **тиббиёт муассасаларига ишга кирган битирувчилар** фойдаланиш ҳуқуқига эга;

ҳар ойлик пул компенсацияси олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими ишга қабул қилинган ойдан бошлаб **36 ой** мобайнида тўланади, бунда ходим ушбу ҳудудда шахсий уй-жойга эга бўлганда, унга хизмат турар жойи берилганда ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими ҳар ойлик пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик учун коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарига ариза беради. Бунда, уй-жой ижараси учун ҳақиқатда тўланаётган тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан кам бўлган тақдирда, ҳар ойлик пул компенсацияси миқдори ҳақиқатда тўланаётган тўлов миқдорига мувофиқ камайтирилади, қолган барча ҳолатларда ҳар ойлик пул компенсацияси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида тўланади;

ҳар ойлик пул компенсацияси унинг миқдорини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан тайинланади ҳамда ушбу ташкилот бухгалтерияси томонидан иш ҳақи билан биргаликда тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги “Навоий вилоятининг олис чўл туманлари аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2925-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарори билан тасдиқланган Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ходимларга уй-жойларни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими тегишлилиги бўйича олис ва чекка ҳудудда жойлашган бир бюджет ташкилотидан ва (ёки) тиббиёт муассасасидан бошқа бюджет ташкилотига ва (ёки) тиббиёт муассасасига ўтказилганида, ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш белгиланган муддат тугагунга қадар давом эттирилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими тегишлилиги бўйича олис ва чекка ҳудудда жойлашган бюджет ташкилоти ва (ёки) тиббиёт муассасасидаги фаолиятини 36 ойгача бўлган муддат ичида тўхтатган тақдирда, бошланғич ёрдам пули тўлиқ ҳажмда бюджетга қайтарилади, олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимининг бюджет ташкилоти ва (ёки) тиббиёт муассасасидаги фаолиятини унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (ходимнинг вафоти, ногиронлиги бўлган шахс деб топилиши, бюджет ташкилотининг фаолияти тўхтатилиши ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 106-моддасида белгиланган ҳолатлар) тўхтатиши бундан мустасно.

3. **Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бошланғич ёрдам пули тўлаш схемаси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. **2021 йил 1 мартдан** бошлаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинсин. Бунда:

бир маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига **50 фоиз**;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига **100 фоиз** махсус устамалар тўлансин.

5. Белгилансинки:

таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудда камида бир йил ишлаган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагоглар жалб қилинади;

таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхати Халқ таълими вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланади ва жорий йилда 15 февралгача, келгуси йилларда эса ҳар йили 1 сентябрга қадар Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар улар борган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилган йилдан кейинги йил учун ҳам тўланади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси тегишли бюджет ташкилотининг ҳудудий молия органига берган сўровига асосан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси учун талаб қилинадиган маблағлар тегишли бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида назарда тутилади. Бунда, олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимининг ишга қабул қилиниши жорий молия йилида рўй берган ҳолатда, бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилади.

*2-саҳифа* »»

# Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда











**Самарқанд вилоятидаги ҳарбий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ҳарбий-маъмурий секторнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.**

Шундан келиб чиқиб, ўтган йили 18 нафар ҳарбийларнинг оила аъзоларига имтиёзли кредит ажратилиб, 42 нафари тадбиркорликка ўқитилди. Ҳарбий хизматчилар оила аъзолари бандлигини таъминлаш мақсадида 21 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Мазкур ярмаркалар орқали 432 кишининг бандлиги таъминланди.

Қайд этиш лозимки, тизим ходимлари ва фахрийларини уй-жой билан таъминлаш ҳам доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Шу мақсадда Самарқанд шаҳар “Обод маскан” маҳалласи ҳудудида 210 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар барпо этилди. Байрам олдидан 120 та уй Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерларга топширилди. Январь ойи охирига қадар яна 90 та янги хонадон ўз эгаларига тақдим этилади.

Шунингдек, “Ватанпарвар” маҳалласида жойлашган ҳарбий шаҳарчадаги хизмат уйлари Самарқанд шаҳар ҳокимлиги балансига олиниб, 800 дан ортиқ ҳарбий пенсионерларга хусусийлаштириб берилди.

Айни пайтда Ургут туманидаги чегара қўриқлаш взводи ҳарбий хизматчилари учун 4,4 миллиард сўм маблағ эвазига 24 хонадондан иборат хизмат уйи қурилмоқда.

“Сазағон” дала ўқув майдонида 4,5 миллиард сўмлик қайта қуриш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда ушбу ўқув майдонида ҳарбий-тактик ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Ҳарбий шаҳарчада 50 миллиард сўм маблағ эвазига қурилган марказ тизим ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига хизмат кўрсатадиган госпитал сифатида Марказий ҳарбий округга топширилди.

Умуман, ҳарбий-маъмурий сектордаги ижобий ўзгаришлар ҳақида гап кетганда “Н” сонли ҳарбий қисм шахсий таркиби учун қурилаётган ошхонани ҳам айтиб ўтиш ўринли. 3,5 миллиард сўм маблағ сарфланаётган 200 ўринли аскарлар ошхонаси барча шарт-шароитларга эга бўлади.

Айни кунларда оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар мактабларида ҳамда чекка қишлоқларда “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!” шиори остида маънавий-маърифий, спорт тадбирлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунгача 5 минг 550 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, 1 500 дан ортиқ спорт мусобақалари, 300 дан ортиқ ҳарбий техникалар намойиши ташкил этилди. Бу тадбирларда 60 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

2 минг 564 нафар ҳарбийларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллик аниқланганларни амбулатор ва стационар тарзда даволаш чоралари кўрилмоқда.

Албатта, амалга оширилаётган ишлар бу билан чекланиб қолмайди, ижобий ўзгаришлар давом эттирилади. Бунинг учун ҳарбий-маъмурий секторнинг 2021 йилга мўлжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий касбга йўналтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар барча маҳаллаларда тизимли равишда олиб борилади.

Самарқанд шаҳридаги “Ватанпарвар боғи” концепциясини бугунги кун талаблари асосида ишлаб чиқиб, фойдаланишга топширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

**Қаҳрамон ОЧИЛОВ,**
**Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, вилоят ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарининг ҳарбий масалалар бўйича ўринбосари.**

# Ҳудудий дастурлар қандай тайёрланади?

**Халқ депутатлари Пайариқ тумани Кенгашининг йигирма тўртинчи сессиясида Президентнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.**
**Кенгаш раиси, туман ҳокими Д.Мусинов бошқарган сессия ишида туман Кенгаши депутатлари, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Фарҳод Боқиев иштирок этди ва сўзга чиқди.**

Мурожаатномани тарғиб этиш ҳамда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

- Яшириб нима қилдик, депутатларимиз Мурожаатномада ижро ҳокимияти олдида турган вазифалар белгилаб берилган, деган фикрда эди, - дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, туман Кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Нурматова.

– Бугунги маъруза ва муҳокамалар халқ ноибларининг ҳам бу борада ўз вазифалари борлигини кўрсатиб берди. Чунончи, ҳудудий дастурлар айнан Мурожаатнома асосида тайёрланади. Табиийки, бунда депутатларнинг ҳам фаол иштироки талаб этилади.

Сессия давомида Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган туман Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилди.

Туман Кенгаши депутатларига ҳар чорак якуни бўйича камбағалликни қисқартиришга оид манзилли дастурнинг ижроси юзасидан сектор раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб, муҳокама қилиб бориш тавсия этилди.

Шунингдек, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ҳамда “ёшлар дафтари” бўйича чора-тадбирлар дастурларининг ижро органлари раҳбарлари томонидан ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш чоралари белгиланди.

Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олишга бағишланган сессиялар барча туман ва шаҳарларда ўтказилмоқда.

# ОЛИС ҲУДУДЛАРДАГИ БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонларига “Олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассислар” мезони киритилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббиёт муассасаларида олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бўлган эҳтиёж бўйича бўш иш ўринлари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар расмий веб-сайтларида жойлаштириб борсин;

жойларда олий таълим муассасалари битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиб, уларни чекка ҳудудларда жойлашган, олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлган бюджет ташкилотларига ишга жалб этиш, шунингдек, ёш мутахассисларга фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин;

жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббиёт муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассисларга ва (ёки) тиббиёт ходимларига тегишли ҳудудлардаги захира ерларларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкалари ажратилишини назоратга олсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

10. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсациясини солиқ тўловчининг жами даромадига киритилмайдиган даромадлар этиб белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш, ижрочиларга етказиш ва белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини ташкил қилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 11 январь*

# Дастурчиларни ўзимиз тайёрлаймиз

**Бугун дунёда энг катта иш ҳақи оладиганлар – дастурчилар. Уларнинг меҳнати осон эмас, шунингдек, бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда республикамизда ҳам дастурчилар тайёрланмоқда. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида яқин икки йилда 300 минг нафар ёшлар компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилишини айтди.**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида 8 бакалавриат таълим йўналиши ва 2 мутахассислик бўйича ёшлар таҳсил олмоқда. Талабаларга дастурлаш бўйича малакали профессор-ўқитувчилар таълим бермоқда. Ҳар бир аудитория электрон доска, видеопроектр, замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланган.

Ҳар бир мутахассислик кафедралари қошида замонавий компьютер жиҳозлар билан таъминланган тўгараклар ташкил этилган. Бу тўгаракларда компьютердан самарали фойдаланиш, ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника, веб дизайн, компьютер графикаси бўйича қўшимча машғулотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, филиалда иқтидорли, фаол талаба ва магистрлар учун «Дастурчилар клуби» ташкил этилган. Клуб иштирокчилари жаҳон чемпионати ҳамда республикамизда  дастурлаш бўйича чемпионатларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Масалан, 2019-2020 ўқув йилида республикамиз ёш ихтирочиларининг инновацион ҳафталиклари танловда архитектура ва дизайн йўналишида 5 нафар талабамиз энг яхши лойиҳа ғолиблигини қўлга киритди. Информатика фанидан минтақавий олимпиаданинг якуний босқичида Сардор Салимов, Ахрор Абдуллаев юқори ўринларни олди.

Глобал меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 4 та мутахассислик - маълумотларни таҳлил қилиш, Android ишланмалар, FrontEnd ишланма ҳамда FullStack ишланмаларини ўз ичига олган «Бир миллион ўзбек дастурчиси» (One Million Uzbek Coders) лойиҳасига филиал ўқитувчилари ҳамда барча талабалари аъзо бўлди. Ҳозирги кунда 59 нафар ўқитувчи, 518 нафар талабамиз сертификат олди.

Айни вақтда ёшларга IT технологияларни чуқур ўргатадиган таълим масканларининг сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш мақсадида вилоятимиздаги барча туман (шаҳар) лардаги ташкилот, таълим муассасалари, мактабгача таълим ташкилотлари, маҳаллаларда  филиал ўқитувчилари ҳамда 3-4 босқич талабалари ёшларга АКТ саводхонлиги бўйича қисқа муддатли ўқув курслари олиб бормоқда.

Вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларга уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бизнес режа тайёрлаш ҳамда консальтинг хизматларини кўрсатиш учун 14 нафар ўқитувчи ва 45 нафар талабадан иборат ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда.

2020 йилда филиалнинг инновацион жамғармаси ҳисобидан филиал талабаси Д.Халиловнинг “IMD-Smart Card” лойиҳаси учун 5 миллион сўм, компьютер инжиниринги факультети декани О.Мамарауповнинг “Бланкли тест синовини ташкил этишда компьютерли кўриш тизимини яратиш” лойиҳасига 10 миллион сўм, дастурий инжиниринг кафедраси ассистенти Э.Мамаевнинг “Электрон схемаларни тайёрловчи қурилма ишлаб чиқиш” лойиҳасига 20 миллион сўм миқдорда пул ажратилди.

2021 йилда филиалда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-парк) ҳудудий филиали инкубация марказини очиш режалаштирилган. Шу билан бирга ёш тадқиқотчилар учун телекоммуникация технологиялари йўналиши бўйича Инновацион илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Дастурчилар кўпайишида ёшларнинг компьютер саводхонлиги ва инглиз тилини билиши муҳим ўрин тутади. Аслида, дастурлаш қийин соҳа. Математика, алгоритмни тушуна оладиган, ушбу фанларга қизиқадиган болалар дастурлашни ўргана олади. Агар бир миллион дастурчи етиштирмоқчи бўлсак, билимли ёшларни саралашимиз керак.

Математика бўйича ҳар йили кўплаб олимпиадалар ташкил этилади. Олимпиадаларда қатнашган болаларни дастурлашга йўналтирсак, натижа янада яхши бўлади. Туманлардаги дастурлашни ўргатувчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириб, керакли техника ва бошқа шароитларни яратиб берсак, уларнинг ўзлари истеъдодли болаларни топа бошлайди. Ривожланиш биз ўйлагандан тезроқ бўлади: дастурчилар тайёрлаш кўлами 2-3 йилда анча ошади.

**Зайниддин ҚАРШИЕВ,**
**Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали директори в.б.**

**Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Э.Баситхонова вилоятимизда аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.**

# Самарқандга Баситхонова масъул

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди. Президентимиз раислигида 2020 йил 6 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада мутасаддиларга зарур вазифалар топширилганди. Шундан келиб чиқиб, бутун республика бўйича олиб борилаётган ишларни мониторинг қилиш, ижрочиларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг барча ўринбосарлари ҳудудларга бириктирилди. Жумладан, Э.Баситхонова Самарқанд вилоятига бириктирилган.

– Ўрганишлар давомида бирламчи тизимда олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратяпмиз – дейди Э.Баситхонова. – Бирламчи тизимда бугунги кунда аҳолини хатловдан ўтказиш бўйича белгиланган ишлар давом этмоқда. Хатлов жараёнларини амалга оширишдаги энг муҳим жиҳатларни ҳудудий вакилларга тушунтиряпмиз. Бу борадаги ишлар тизимли равишда мониторинг қилиб борилади.

Вазир ўринбосари Самарқанд шаҳридаги 4-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди. Поликлиникада аҳолини хатловдан ўтказиш бўйича ташкил қилинган бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш штаби ишини кузатиш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар мутасаддиларга тушунтирилди.

– Поликлиникамиз ҳудуддаги 25 маҳалланинг 48 мингга яқин аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади, – дейди 4-оилавий поликлиника бош врачи Тўлқин Сувонов. – Бугунга келиб, муассасамизда умумий амалиёт шифокорлари ўрнида оилавий шифокорлар фаолияти йўлга қўйилди ва ҳар бир маҳаллага бир нафардан оилавий шифокор ҳамда икки нафардан ҳамшира бириктирилди. Яқин кунларда ҳамширалар сони яна уч нафарга ошади. Айни пайтда аҳолини хатловдан ўтказиш давом этмоқда. Бунда аҳоли тўрт гуруҳга ажратилмоқда. Биринчиси соғлом гуруҳ, иккинчиси хавф гуруҳи, учинчиси диспансер назоратида турган гуруҳ, тўртинчиси доимий равишда назоратга олинган гуруҳ ҳисобланади. Бугунги кунгача 78 фоиз аҳоли хатловдан ўтказилди. Хатлов жараёнида аҳоли ўртасида ортиқча вазн, гипертония, нотўғри овқатланиш оқибатидаги ошқозон-ичак касалликлари кўплиги аниқланди. Бу аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш лозимлигини талаб этади.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари бошқа туман ва шаҳарларда ҳам бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати билан танишди.




*Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида болаларга сунъий буйрак (гемодиализ) бўлими ташкил этилди.*

*Бугунги кунда вилоятда сурункали буйрак етишмовчилиги касаллиги билан 41 нафар бола назоратда туради. Улар доимий равишда диализ муолажаларига муҳтож. Шу вақтгача бемор болалар Тошкент шаҳридаги илмий марказга юборилган бўлса, мазкур бўлимнинг очилиши уларга қулайлик яратди.*

*Марказ қошида гемодиализ бўлими ташкил этиш учун 1,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.*

**Самарқанд шаҳридаги сафарбарлик чақируви резерви батальонида “Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография” ойлиги доирасида ўтказилган ижодий учрашув “Ўзбекистон кинематографияси: ўтмиш, бугун ва келажак” номли қисқа метражли фильм билан бошланди.**




# Киноижодкорлар ҳарбийлар ҳузурида

Учрашувда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карим Мирходиев ва Республика киноарбоблари уюшмаси раиси ўринбосари, драматург Жўрабек Рўзметовлар иштирок этиб, бугунги кунда кино санъатидаги янгиликлар, олинаётган фильмлар мазмун-моҳияти, Ватанни улуғловчи киноларни кўпайтириш ҳақида сўз юритди.

- “18-квадрат” фильмини олиш жараёнида бир йил ҳарбийлар билан бирга яшадим, - дейди Жаҳонгир Қосимов. – Уларнинг машаққатли ҳаёти, қийинчиликлари менга бегона эмас. Бугун уларни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаш баробарида, Ватанимиз тинчлиги учун уларга раҳмат айтмоқчиман.

Тадбир сўнггида “Ибрат” фильми намойиш этилди.

**Фармон РОЗИҚОВ,**
**“Республика кинопрокат маркази” вилоят бўлими раҳбари.**

**Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир эр йигитнинг она юрти олдидаги фарзандлик бурчи саналади. Ана шу шарафли бурчни садоқат билан адо этиш, керак бўлса, жонини ҳам фидо қилишга тайёр мард ўғлонларнинг борлиги чегараларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлиги кафолатидир. Зотан, ҳарбий хизматчининг ҳаёти ҳамма вақт ҳам бир текис, равон кечмайди. Ҳар бир қадамида хавфу хатарга рўбарў келиши мумкин...**

# Ёдгор



Самарқанд гарнизонидаги 75061-ҳарбий қисм командири, подполковник Александр Земсов, қисм командирининг ўринбосари подполковник Шуҳрат Умбаров ҳамда Тойлоқ туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Дилмурод Сиддиқназаров хизмат вазифасини  бажариш чоғида ҳалок бўлган Акмал Мирзааҳмедовнинг оиласидан хабар олишди.

Тойлоқлик марҳум ҳарбий хизматчи Акмал Мирзааҳмедов ёшлигидан ҳарбий хизматга боришни, эр йигитлар сафида она юртини ҳимоя қилишни орзу қиларди. Мактабни битириб, муддатли ҳарбий хизматни ўтай бошлагач, бу орзуси ҳаётий мақсадга айланди. Акмал белгиланган ҳарбий хизматни ўтагач шартнома асосида шу соҳада ишни давом эттиришга аҳд қилди. Хизматдошлари ўртасида ўзининг меҳнаткашлиги, самимийлиги билан ҳурмат-эътибор қозонди.

...Фориш полигонидаги навбатдаги ўқув машғулотлари. Махсус қисм ҳарбий хизматчилари белгиланган тактик машқларни бажаришмоқда. Акмал Мирзааҳмедов ҳар доимгидек машғулотларда фаол қатнашмоқда. Афсуски, кутилмаган ҳолат туфайли Акмалнинг дўсти шартли тўсиқда муаммога дуч келди. Уни қутқаришга ҳаракат қилган Акмал тан жароҳати олиб, ҳаётдан кўз юмади.

Бу воқеа 2012 йилнинг октябрь ойида содир бўлганди. Ўшанда Акмал Мирзааҳмедовнинг икки қизи бор эди. Бир неча ойдан кейин туғилган ўғли Ёдгоржонни кўриш унга насиб этмади. Ҳозир Ёдгоржон 8 ёшда. Тумандаги 41-умутаълим мактаби ўқувчиси.

- Уйимизга тез-тез ҳарбийлар келиб туради, - дейди Ёдгоржон. – Уларга ҳавасим келади. Дадам ҳақида бобом ва онам, опаларим гапириб беришади. Дўстлари келиб дадамнинг мардлигини айтишади. Бундан хурсанд бўламан. Бугун келган ҳарбийлар танкчилар экан. Мен ҳам танкчи бўлишни орзу қиламан. Отамдек ҳарбий бўлиб, Ватанимга хизмат қиламан.

Марҳум Акмал Мирзааҳмедовнинг оила аъзоларига Мудофаа вазирлиги томонидан берилган пул мукофоти, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

**А.ИСРОИЛОВ.**

## Ватанпарварлик ойлиги доирасида

Самарқанд горнизони ҳарбий оркестр жамоаси Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!” шиори остида жойларда ўз дастурини намойиш этиб, аҳолига байрам кайфияти улашмоқда.

Жумладан, ҳарбий оркестр вилоят Матбуот уйида ҳам оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ватанпарварлик, мардлик, матонат ва жасоратни тараннум этган куй-қўшиқлар ижро этди.

**Акбар АБДУҲАЛИЛОВ.**



Нурободдаги ҳарбий қисм хизматчиларидан иборат “Ватанпарварлик карвони”  туманнинг чекка қишлоқларидан бири Саҳрода жойлашган 49-умумий ўрта таълим мактабида бўлди.

"Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!" шиори остида ўтказилган тадбирда қишлоқ аҳолиси, хусусан, ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Унда ҳарбийлар томонидан жанговар чиқишлар намойиш қилиниб, қурол-яроғлар кўргазмаси ташкил этилди.

**Абдулла ҚИЛИЧЕВ.**

Марказий ҳарбий округ маънавият-маърифат марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан округ қўмондонлиги ҳамда O‘zLiDeP вилоят кенгаши ҳамкорлигида “Кучли армия - хавфсизлик ва барқарорлик, халқнинг фаровон ҳаёти кафолати” мавзусида учрашув ўтказилди.

**Ҳусан ҒОЗИЕВ,**
**капитан.**

Самарқанд шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Самарқанд тумандаги 8- ва 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари қатнашди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши раиси А.Ахтамов, қисм бошлиғи Ҳ.Юсупов бугун миллий армиямиз ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, юрт келажаги учун фуқаролик масъулияти ҳиссини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбек жанг санъати федерацияси вилоят бўлими “Шердор” клуби спортчиларининг кўргазмали чиқишлари ҳамда 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

**Ер кодекси ижроси бўйича ўтказилган мониторинг-таҳлил тадбирларимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланди.**

# Ерни ноқонуний ўзлаштирганларга 60 миллион сўм жарима белгиланди



Хусусан, Ўрай-Элипок маҳалласида яшовчи икки нафар фуқаро, “Толиб Маматқул” фермер хўжалигига ижарага берилган суғориб ҳайдаладиган ер майдонининг 0,28 гектарини ўзбошимчалик билан эгаллаб, уй-жой қурган. Ер майдонини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариши оқибатида давлатга 30 миллион 868 минг 105 сўм зарар етказган.

Шунингдек, туманнинг Навзандак маҳалласида яшовчи фуқаро. Ш.Э. “Азизжон Худойшукуров боғлари” фермер хўжалиги тасарруфидаги даладан 0,11 гектар суғориладиган ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб, 250 метр квадрат уй-жой қурган. Ер майдонини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариши оқибатида давлатга 29 миллион 231 минг 160 сўм зарар етказганлиги маълум бўлди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Тойлоқ туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорида, жавобгарлар ҳисобидан давлат фойдасига 60 миллион 99 минг 265 сўм миқдорида етказилган зарар ундирилиши белгиланди.

**Фурқат УМИРОВ.**

«««« Саломатлик »»»»

# Иммунитетни кўтариш учун...



**– Пандемия соғлигимизга эътиборли бўлишни, соғлом ҳаёт тарзига амал қилишни тақозо этяпти. Айни қиш кунларида иммунитетни кўтариш учун нималарга эътибор бериш керак?**

Назокат БЕРДИЕВА.

- Иммунитетни кўтаришдаги муҳим омиллардан бири соғлом овқатланиш ҳамда жисмоний фаоллик, - дейди Самарқанд шаҳар марказий поликлиникаси иммунологи Сурайё Мустафоқулова. – Биз, одатда эрталаб енгил, тушлик ва кечки пайт оғир ҳазм бўлувчи таомларни истеъмол қиламиз. Бу нотўғри. Кечки пайт уйқудан 3 соат олдин, енгил ҳазм бўлувчи таомларни истеъмол қилиш лозим. Албатта, кунлик рационимизда сабзавот ва мевалар бўлиши шарт. Айниқса, яшил маҳсулотлар витамин С, фосфор ва калийга бой. Эрталаб нонуштадан олдин жисмоний машқларни бажариш, тоза ҳавода сайр қилиш организмнинг касалликларга қарши курашувчанлигини оширади. Жисмоний машқларни бирдан бошлаш керак эмас. Бу организмда зўриқиш ҳосил қилиб, ортиқча энергия сарфига сабаб бўлади. Эрталабки машқларни 5 дақиқадан бошлаб аста-секин кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Жисмоний машқлардан кейин 400 грамм қайнатилган илиқ сув ичиш жуда фойдали. Бу организмни токсинлардан тозалаш ва ички тизимларни ишга туширишга ёрдам беради. Кунига 3 литргача сув ичиш лозим. Унга лимон қўшиш зарар қилмайди.

Шу билан бирга асабийлашиш ҳам иммунитетни емирувчи омиллардан бири. Уйқу олдидан асал солинган сут ичиш, 4 дона олмани ётоқхонага қўйиш тинчлантирувчи воситалардан бири. Истеъмол қилиш ҳам фойдали. Олма одамга руҳий хотиржамлик беради.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамиз аҳолисининг 15 фоизи ногиронликнинг у ёки бу туридан азият чекар экан. Бутун дунёда ногиронларга зарур шароит яратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилияпти.**

# Ногирон фарзандлар

## туғилмасин десангиз...



Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, кашандалик, асаббузарлик, турмушдаги эҳтиётсизлик, автоҳалокатлар каби бир неча бевосита ва билвосита омиллар ногиронликка сабаб бўлиши мумкин. Тўғри, туғма ногиронлик ҳам кўп кузатилади. Аммо аксарият ҳолларда билиб-билмай қилган хатоларимиз фарзандларимизни бир умрга азоблайди.

Шунинг учун оммавий ахборот воситалари орқали қисқа роликлар тайёрлаб, аҳолини огоҳликка чорлаш, маҳалла мутасаддилари томонидан хонадонларда тушунтириш ишларини олиб бориш жуда зарур.

**Қаҳрамон НАМОЗОВ,**
**Иштихон шаҳри.**

«««« Хотира »»»»

**Баъзан ёлғиз қолганингизда хаёлингизда унутилмас хотиралар уйғонади. Ўзингиз суҳбатлашган киши билан ғойибона яна дардлашгингиз келади. Агар дунёни тарк этган бўлса, қалбингизни соғинч, армон ўртайди. Мен ҳар гал тиббиёт фанлари номзоди Дилбар опа Инатиллаевани эслаганимда шундай ҳолатга тушаман.**

**Опа аллергик касалликлар бўйича таниқли шифокор эди. Ўз соҳасининг билимдони, хушфеъллиги, беморларни даволаш маҳорати билан мактаб яратган, эл назарига тушган. Қарийб йигирма йиллик таниш-билишлик, салом-алик туфайли опа-ука бўлиб қолгандик. Шифокор маслаҳати зарурати, дилкаш суҳбат соғинчи билан тез-тез опа билан учрашиб турардик.**

# Сўнгги суҳбат



Эсимда. Баҳор кунларининг бирида Дилбар опа билан суҳбатлашиб дилим яйради. Опа катта ҳаётий тажрибага эга бўлиб, одамийлик, инсонларга ҳурмат, ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват, касбга садоқат ҳақида жўшиб гапирди. Афсуски, бу Дилбар опа билан сўнгги суҳбатимиз эканлигини билмасдим. Ҳозир ўша хотираларни эслаб, опанинг ҳаёт йўллари кўз ўнгимда гавдаланди.

Дилбар Инатиллаева бундан 82 йил муқаддам Каттақўрғон шаҳрида зиёли оилада таваллуд топганди. 1955 йилда шаҳардаги 3-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, шу йили Самарқанд тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишга кирди. 1961 йилда институтни битириб, Самарқанд шаҳар шифохонасида даволовчи шифокор, шаҳар 2-клиникасида бош шифокор ўринбосари сифатида ишлади. 1978 йилда Москвада номзодлик диссертациясини ёқлади. 2012 йилгача вилоят бош аллергологи сифатида аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда фаол иштирок этди.

«Биз ишлаган даврларда дори-дармонлар етишмас, асбоб-ускуна, диагностика, даволаш аппаратлари, тез ёрдам хизмати, техника воситалари бугунгидек такомилга етмаган эди, - деб хотирларди опа. – Шунга қарамасдан, беморлар дардига малҳам топиш учун санитар авиацияси, вертолёт, тез ёрдам машинасида вилоятнинг олис туман ва шаҳарларига чақириққа борардик. Кадрлар етишмаслиги, шифохоналарда аллергик касалликларни даволаш йўлга қўйилмагани боис беморларни даволаш вилоят бўйича фақат бизнинг шаҳар шифохонамизда амалга оширилади. Нафас йўллари касалланган беморлар соғайгандан кейин билдирган миннатдорчилиги кўнглимизни тоғдек кўтарар, одамларга нафимиз тегаётганидан қалбимизда фахр туярдик».

Дилбар опанинг одамлар саломатлигини сақлаш йўлидаги фидойилиги изсиз кетмади. Кўксини, «Соғлиқни сақлаш аълочиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор», «Меҳнат шуҳрати» каби унвон ва нишонлар безади.

Дилбар Инатиллаева оилада ибратли она, ғамхўр инсон эди. Тўрт нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Уларни ўқитиб, эл ишига камарбаста кишилар қилиб тарбиялади.

Бугун Дилбар опа орамизда бўлмаса-да, унинг эл саломатлиги йўлидаги хизматларини одамлар унутгани йўқ. Даврдошлари суҳбатларда «раҳматли сўзи малҳам, кўли эм дўхтир эди» деб фахр билан ёдга олишади. Дарҳақиқат, одамлар ташвиши, эзгулик йўлида ўзлигини бағишлаб яшаган инсонлар номи унутилмайди. Дилбар Инатиллаева номи ҳам уни билган, таниган кишилар қалбида ўчмас хотира бўлиб яшамоқда.

**Муҳаммад РИЗО,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими етакчи мутахассиси.**

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56**

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!**

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ “Конигил агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан жами 10,6 га. (шундан: 10,3 га. сувли, 0,2 га. ариқ ва зовурлар, 0,1 га. йўллар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 26 январга қадар қабул қилинади.

**Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Карамян Хорен Савадовича (2020 йил 23 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Рахманкулов Уктам Тажиевичга (2020 йил 1 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Мухаммадиев Яхшилик Кизиловича (2015 йил 19 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасида марҳум Ҳайдаров Ашрафга (2013 йил 26 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Мардиев Шамуратга (2018 йил 3 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасида марҳум Хусайнов Ҳафиз Ибадуллаевичга (2020 йил 20 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Наркулов Сарига (2007 йил 15 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Булунғур туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Худойбердиев Асилиддин Сайфиддинович номига берилган U № 1915893 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Хурсанов Умиджон Абдуқаххор ўғли номига берилган UM № 0539479 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Гўзалкент қишлоқ хўжалик коллежидан 2019 йилда Журақулов Диёр Зокир ўғли номига берилган рўйхат рақами 454, К № 5595673 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги «SHIRINTOY BOLAJONLAR MTM» мактабгача таълим муассасасининг (СТИР: 305602948) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги таълим инспекциясидан 2017 йилда Жалилова Гулшан Жаводовна номига берилган РА-II № 0030291 рақамли тоифа сертификати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Аббосова Азиза Фарходовна номига берилган О`R-SH № 0372182 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Мирзаева Мусавар номига Самарқанд шаҳри Сарбадорлар маҳалласи Сарбадорлар кўчасида жойлашган 39-уй-жой учун 1982 йил 7 апрелдаги олди-сотди шартномаси асосида, 2017 йил 17 майда тайёрланган кадастр ҳужжатлари тўплами ва олди-сотди шартномасининг дубликати йўқолганлиги сабабли ҳақиқий ҳисобланмайди.

* * *

Пайариқ енгил саноат касб-ҳунар коллежидан 2013 йилда Исакулова Гулрух Мухиддиновна номига берилган рўйхат рақами 146, К № 2090329 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Тошпўлатова (ҳозирда Рахмонова) Камила Амонкуловна номига берилган U № 1117038 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Рашидов Уктам Туробович номига берилган O'R-Z № 1296470 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 23-ўрта мактабдан 1998 йилда Мелибоев Улуғбек Хўжабекович номига берилган UZK № 014553 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Фазлиева Самара Сайфитдиновна номига берилган U № 1708200 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Мехлиев Жахонгир Махматойирович номига берилган О`R-SH № 1132018 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 61-ўрта мактабдан 1990 йилда Оролов Музафаржон Усмонович номига берилган А № 516782 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2018 йилда Зокиров Улугбек Зохир ўғли номига берилган рўйхат рақами 334, К № 5122420 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги “XAYOTJON AMINJON” оилавий корхонасига (СТИР: 307971568) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан 2010 йил 15 мартда 5834 рақам билан рўйхатга олинган, завод рақами 829903 бўлган «Меркурий 115Ф» русумли назорат касса машинасининг қайд қилиш варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги «HOWO DAILER CO» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307873776) думалоқ муҳри, бурчак тамғаси, рўйхатдан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва жамият низомининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**КВАРТИРА СОТИЛАДИ**

Самарқанд шаҳри марказидан (Самарқанд ветеринария медицинаси институти ёнида) барча қулайликларга эга (табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси доимий, пишиқ ғиштдан қурилган 4 қаватли уйнинг 2 қаватида жойлашган) **1 хонали квартира** (воситачиларсиз) сотилади.

**Телефонлар: 91-552-52-36, 94-188-56-58.**

**Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судларида мавжуд бўш судьялик лавозимига**

# НОМЗОДЛАР ЗАХИРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга, етарли ҳаётий тажриба, бенуқсон обрў-эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.

Шу муносабат билан судьялик лавозимига номзодлар захирасига кириш истагини билдирган номзодлар тегишли тартибда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судлари судьялари малака ҳайъатига ёки Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига мурожаат этишлари мумкин.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 3-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 66-231-03-58, 93-990-61-16.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими "Паст Дарғом ҳақиқати" газетаси муҳаррири Бахтиёр Шукуровга отаси

**ҒАФФОР бобо**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# Тўёна

**Халқимизнинг яхши анъанаси бор. Қариндош-уруғ, ошна-оғайни, дўст-биродарлар, фарзандлар, невара-чевараалари тўйини ўтказганда баҳоли қудрат тўёна беришади. Кўпчилик буни сидқидилдан, бирор бир таъмасиз қилса, айримлар тўй қилганимда қайтаради, деган ниятда бўлишади.**



...Аҳмад акани бозорда учратиб қолдим. Серташвиш кўринди.

- Тинчликми, шошиб-пишиб юрибсиз, - сўрадим салом-аликдан сўнг.

- Ҳа, харждан сал сиқилиб турганимда кутилмаган ташвиш чиқиб қолди, - деди Аҳмад ака. – Кўп йиллар олдин раҳбарлик лавозимида ишлаганимда ўғлимнинг хатна тўйини ўтказгандим. Бир ходимимиз уч яшик арақ тўёна қилган экан, кеча сўраб келди. Тўй қилаётган эмиш. Унинг тўёнасини эсломадим. Тўёна берганлар рўйхатида ҳам исм-шарифи йўқ. Даъвоси сал малол келди. Қарз-қавола қилиб, мана, уч яшик арағини тўрт яшик қилиб олиб боряпман...

Ўйланиб қолдим. Тўёна нима ўзи? Тўй ташвиши, харажати ҳаммага маълум. Ҳеч ким кўрпага қараб оёқ узатай демайди. «Шовла

**Мулоҳаза учун мавзу**

кетса кетсин, обрў кетмасин. Бош ёрилса, дўппи остида». Йўғон ингичка тортиб, ингичка узилиши аниқ. Бундай олганда тўйчига баҳоли қудрат тўрт-беш сўм билан қарашиб юбориш савоб иш. Лекин ўнг қўл берганини чап қўл билмасин, деган гап бор. Тўёна чин юракдан қилинса, маъқул бўлади.

Тўёнани қарз деб билиб, кейинчалик сўраб бориш аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган яхши анъанага доғ бўлиб тушмасмикан? Анъанани қадрловчи инсонлар ҳеч ким сўрамаса ҳам, айтмаса ҳам тўёна бериш, уни вақти келганда қайтаришни инсоний фазилат билишади. Қолаверса, тўйчига унинг мавқеи, мансабига қараб «ёрдами тегиб қолар» қабилида хушомад, таъма, лаганбардорлик қилиб тўёна қилиш одобдан эмас, менимча. Хўш, сиз нима дейсиз, муҳтарам газетхон?

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига**

**Алишер Навоийнинг ижодий-илмий ва маънавий мероси салмоғи шу даражада залворлики, океандек тубсиз, чегарасиз, буюк. Ҳазрат Навоийнинг сиёсий қарашлари, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти жуда серқирра. Унинг адолатли ҳукмдор, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, тинчликни сақлашга интилиш, маърифатпарварлик, саховатпешалик, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги қарашлари асосида адолатли давлатни қарор топтириш ғоялари бугунги замон билан ҳамнафасдир.**



# «НАВОИЙ МЕРОСИ – бутун инсониятга дахлдор мерос»

Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда Алишер Навоийни Самарқанддан Ҳиротга чақириб олади ва муҳрдор қилиб тайинлайди. Шу пайтдан шоирнинг эл хизматидаги фаолияти бошланади.

Кўп ўтмай Ҳусайн Бойқаро дўстини вазир лавозимига тайинлайди ва «Амири Кабир» (Улуғ Амир) унвонини беради. Бу лавозимдан Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси Султон Ҳусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлайди.

Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид ва мадрасаларни эслайди. 1499 йил Ҳиротда улкан масжид қурдиргани, Ғиёсиддин ибн Муҳаммад ибн Сом даврида Ҳиротда қурила бошланган, кейинчалик вайрон бўлиб кетган масжидни қайта тиклаганлиги, шунингдек, Ҳирот ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлардаги 12 масжидни таъмирлатган. Навоий ўзининг фаолияти ҳақида қисқача тўхталар экан «Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим», дейди.

Алишер Навоий давлатни халқ манфаатларини кўзловчи, халқ орзуларини амалга оширувчи воситага, давлат арбобларини халқ хизматчиларига айлантиришга интилди ва ўзи бу ишда намуна бўлди. У давлат ишларини интизомга солишга, ҳукумат идораларини, саройни халқ ҳисобига яшаб амалпарастлик қилувчилардан тозалашга қўлидан келганича ҳаракат қилди.

Навоийнинг атоқли давлат ва жамоат арбоби, бош вазир сифатидаги шахсий хислатлари ва фаолияти дунё олимлари томонидан ҳам ўрганилган. 1991 йилда АҚШлик олимлар Томас Лентс ва Гленн Лоуври «XV асрнинг охирида темурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда ғоят катта ёрдам берди. Султон Ҳусайннинг «Кўкалдоши» (бирга ўсган) ва яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди», деб ёзадилар.

Шунингдек, Буюк Британия музейи қўлёзмалар фонди раҳбари, профессор Майкл Жеймс Эрдмен 2019 йилда эълон қилган «Навоий мероси – бутун инсониятга дахлдор мерос» номли мақоласида «Алишер Навоий – Шарқ Ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин эгаллайди», деб ёзган.

Алишер Навоий яшаган даврдан буён олти аср ўтишига қарамай ҳазратнинг адолатли жамият, адолатпарвар ҳукмдор, халққа хизмат, халқ манфаати, илму маърифат, саховат, тинчлик учун кураш, деҳқончиликни ривожлантириш, халқлар дўстлиги каби эзгу фикрлари, ўлмас ғоялари, орзулари бугун юртимизда ва дунёда ўзининг ифодасини топаётганга ўхшайди.

Бугун дунёдаги мураккаб вазият, алғов-далғовлар, урушлар давом этаётган даврда, Алишер Навоийнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқига ҳамда Ҳазратнинг Москва шаҳрининг марказида ўрнатилган ҳайкал пойига ёзилган мана бу машҳур байти назаримда дунё аҳлига ҳаётий шиор бўлиб улгурди:

*Олам аҳли! Билингизким,*
*иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлинг бир-бирингизга*
*ким эрур ёрлиғ иш!*

**Содиқ НАЗАРОВ,**
**тарих фанлари номзоди,**
**доцент.**

**Ҳунармандчилик**

# Сайёҳлар учун ҳунармандларнинг маҳорат дарси қизиқ

**Юртимизга келган сайёҳларга таржимонлик қиламан. Уларнинг фикри билан қизиқаман. Хорижий сайёҳларни юртимизга жалб қилган асосий нарсалар – тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, миллий таомлар, халқимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий анъана ва қадриятларимиздир.**

Сайёҳлар тарихий обидаларимиздаги миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини кузатар экан, қўли гул усталар томонидан яратилган санъат асарлари яратилиш жараёнини кузатишни хоҳлашларини айтади. Масалан, улар аёлларимизнинг кашта тикишига, кулолларнинг, мискарларнинг рўзғор буюмларини ясашига жуда қизиқади. Ҳашаматли меҳмонхоналардан кўра, оилавий меҳмонхоналарни афзал билади. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, яратувчанлиги уларнинг доим эътиборида.

Демак «Конигил туризм қишлоғи» сингари объектларни кўпайтириш керак. Тарихий обидалар муқаддас зиёратгоҳлар билан бирга миллий анъана ва қадриятларимизга ҳам туризмнинг асосий йўналишлари деб қарашимиз лозим.

**Жасур ТОШПЎЛАТОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

**Кандакорлик – металл буюмларга ўйиб, чизиб нақш ишлаш санъати бўлиб, ўзининг жозибаси билан эътиборлидир. Офтоба, қумғон, кўза, шамдон, лаганлардаги ўсимликсимон, яъни ислимий ҳамда ҳандасавий нақшлар билан безатилади. Ҳар бир буюмга ишлов бериш ҳам устанинг нозик дидини, сабрини шакллантиради. Уста ишини кузатар экансиз, секин ҳаракатлар билан оддий рўзғор буюмини санъат асарига айлантирганига гувоҳ бўласиз.**



# Самарқанд кандакорлик мактаби ҳақида биласизми?

Дастлаб буюмларга афсоналардаги қаҳрамонлар тасвири ишланган бўлса, араблар истилосидан кейин тасвирлар ўрнини ҳандасавий нақшлар, безак даражасига етказиб ишланган араб ёзув (байт)лари эгаллаган. Темурийлар даврида янги усуллар юзага келиб, халқ амалий санъати жуда ривожланган. XVIII- XIX асрларда кўп вилоятларда кандакорлик марказлари очилган. Жумладан, Самарқандда ҳам кандакорлик мактаби вакиллари буюмларни шабаки усулида (панжарасимон) безаган, нақш замини чекма гуллар билан пардозланган. XIX аср охири XX аср бошларида ясалган чойдиш, мис кўза, коса, лаган, лаъли, офтоба, қумғон, шамдон, самовор кандакорлик буюмлари сифатида чиройли безалган. 1930 йилда илк бор металл сиртига кимёвий моддалар билан ишлов берилиб, нақш, тасвир яратиш услуби бошланган.

Бугун Самарқандда ҳам кандакорлик билан шуғулланаётган ҳунармандлар кўп. Улардан бири Регистон майдонидаги Шердор мадрасасида фаолият юритиб келаётган Нутфилло Саидовдир.

- 1973 йил Бухородаги кандакор уста Миржон Аҳмедовга шогирд тушиб, бу ҳунарнинг сир-асрорларини мукаммал ўрганганман, - дейди Н.Саидов. – 1980 йилда Бухородан Самарқандга кўчиб келиб, ўз ҳунарим ортидан танилдим. Укам, фарзандларим, набираларим ва кўплаб шогирдларим касбим давомчилари. Ҳунаримиз орқасидан Бирлашган Араб Амирликлари, Канада, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда халқаро кўргазмаларда иштирок этдик. Уларнинг санъати билан танишдик.

**Дилноза ҒАНИЕВА.**

# Мусиқа мактабларида чолғу асбоблари борми?

## Маданият марказларида-чи?

**Тоғ бағрида чанқовуз чалаётган, найни сайратаётган, дўмбирасини қўлига олиб, дардини оҳангга солаётган кишилар атрофида бежиз одамлар йиғилмайди. Улар куйга сармаст бўлиб, бир дам ғам-ташвишни унутади, руҳий ором олади. Мусиқа шундай санъатки, инсоннинг ички кечинмаларини оҳангларда ифодалайди. Бугун ҳам мусиқага ихлосманд кишилар, чолғу асбобларини ўрганишни истовчи ёшлар кўп. Хўш, уларга етарли шароит ва имконият яратилганми?**





Иштихон туман маданият бўлимининг маълумотига кўра, туманда битта болалар мусиқа ва санъат мактаби, 7 та маданият маркази, истироҳат боғи, музей ҳамда 62 та номоддий мерос объекти бор.

Тумандаги 21-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида эътиборимизни неварасини кутиб турган онахон тортди.

- Янгиравот маҳалласида истиқомат қиламиз, - дейди Башорат Холиқова. - Икки нафар неварам афғон рубоби чалишни ўрганяпти. Улардаги истеъдодни Эркин Воҳидовнинг «Нидо» қасидасини 10 ёшли неварам чиройли оҳангда айтганида пайқадим. Ўйлаб ўтирмай мусиқа мактабига олиб келдим. Қишлоғимиз бироз олис бўлганлиги учун уларни ўзим олиб келаман. Бу, албатта, ортиқча сарф-харажат ва вақт дегани. Лекин улар бунга қизиқади.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда 346 нафар ўқувчи 11 йўналишда таҳсил олмоқда. Мактабга асосан Зарбанд, Митан, Қўрғон, Сафохўжа, Шейхлар, Азамат каби ҳудудлардан ўқувчилар келади. Аммо туман марказидан олис ҳудудлар ўқувчилари мусиқа мактабида кам. Сабаби онахон айтганидек, йўл харажатлари ва ...

### ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ БОР, АММО ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ЎҚИТУВЧИ ЕТАРЛИ ЭМАС

- Болалар мусиқа ва санъат мактабимизда фортепиано, ўзбек халқ чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик, эстрада хонандалиги, дутор, прима рубоб, қашқир рубоби, дамли чолғулар, ҳайкалтарошлик, зардўзлик, театр, хореография, тасвирий санъат каби йўналишлар бор, - дейди мактаб директори Мурод Рўзиев. – 46 нафар ўқитувчимиздан 19 нафари олий маълумотли, 27 нафари ўрта махсус маълумотли. Мактабимизда 20 турга яқин мусиқа асбоблари бор, аммо кантрабас овозли чолғу асбоблари, жумладан, дутор кантрабас ва ғижжак кантрабас керак. Эстрада чолғучилиги, скрипка, академик хонандалик, опера ва вокал, фортепиано йўналишлари бўйича олий маълумотли мутахассислар етарли эмас. Фортепиано йўналиши бўйича 3 нафар ўқитувчи фаолият юритади. Ушбу йўналишда ўқийдиган ўқувчи кўплиги учун 1,5 ставкада дарс бермоқда.

Мактабда халқ амалий санъатига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бунга ҳам ўқувчиларнинг қизиши катта. Бу йил ёғоч ўймакорлиги йўналиши ташкил этилиб, 12 нафар ўқувчи ушбу санъат сирларини ўрганмоқда.

### МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Тумандаги 7 та маданият марказида 10 йўналишда 30 тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Уларга 267 нафар ҳаваскор жалб этилган.

1-сон маданият маркази ярми кутубхона, икки хонадан иборат бинода жойлашган. 5 та тўгарак мавжуд. Рубоб, дутор, тор, карнай, сурнай каби мусиқа асбоблари, санъаткорларнинг либослари бор. Аммо хоналар етарли эмас, бунинг устига совуқ.

- Туманимизда еттита маданият марказининг қарийб барчаси мослаштирилган биноларда фаолият юритади, - дейди туман маданият бўлими бош мутахассиси Дилмурод Абдуллаев. – Халқобод маҳалласидаги 7-сон маданият маркази 2016 йилда қайта қурилган эди. Аммо қурилишдаги камчиликлар сабаб ҳали қабул қилиб олинмаган.

Мазкур маданият маркази 2020 йилда қайта қурилиши белгиланган эди. Аммо бу иш амалга ошмади.

### ҚУЁШ ЧИҚСА МАШҒУЛОТЛАРНИ ОЛИБ БОРАМИЗ...

Ғафур Ғулом маҳалласида жойлашган 2-сон имконияти чекланганлар махсус маданият марказида 4 тўгаракка 34 нафар ҳаваскор жалб қилинган.

- «Баркамол авлод» болалар мактабининг эски биносида туман ногиронлар жамияти билан бир бинода фаолият юритамиз, - дейди марказ бадиий раҳбари Ғайрат Эшқувватов. – Ҳафтада уч кун ашула, рубоб, доира, шашка тўгаракларимизда 34 нафар ҳаваскор иштирок этади. Санъатга қизиқувчи имконияти чекланган инсонлар туманда анчагина. Улар соз чалиб, керак бўлса, бир-бирига ўргатиб маданий дам олади. Афсуски, қиш келиши билан марказимизда машғулотлар камаяди. Сабаби бинолар совуқ, машғулотлар қуёш чиққанда, ҳаво ҳарорати бироз исигач ўтказилади. Айрим ҳолларда уларнинг уйига бориб ҳам соз чалишни ўргатамиз.

Хулоса қилганимиз - туманда маданият марказлари бор-у, аммо аҳоли дам олиши учун имконият йўқ. Сабаби мослаштирилган биноларда фаолият юритаётган ҳаваскорлар ўз санъатини намойиш этиш учун марказларда на саҳна, на концерт зали бор. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 25 июнда тасдиқланган "Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари тўғрисида"ги низомга кўра, марказлар миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ўрганишда жамоатчилик эҳтиёжларини ўрганиш ва қондириш, бадиий ижодни, бошқа ҳаваскорлик ижодий ташаббусларни ва аҳолининг ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, унинг дам олишини ташкил қилиш мақсадида ташкил этилиши белгиланган.

Шу билан бирга марказларда аҳолининг барча қатламлари томонидан талаб қилинган замонавий маданий-маърифий хизматларни кенг ёйиш, Интернет-студиялар, электрон ресурслар, хорижий тилларни ўрганиш курслари, мароқли томошалар, мунозара клублари, спортнинг стол турлари ва интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар ўтказилиши ҳам низомда қайд этилган.

Афсуски, бу низом талаблари ҳозирча Иштихонда тўла-тўкис бажарилмаяпти.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

### 14 ЯНВАРЬ

**Валиқул ЙЎЛДОШЕВ** – 1957 йилда Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган. «Шуҳрат» медали соҳиби.

### 15 ЯНВАРЬ

**Абдуқодир АБДУВОҲИДОВ** – 1943 йилда Қўшработ туманида туғилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

**Раззоқ ҒАФФОРОВ** – (1932-2001). Самарқанд туманида туғилган. Филология фанлари доктори.

**Актам ҒАФУРОВ** – 1944 йилда Ургут туманида туғилган. Ветернария фанлари доктори, профессор.

**Шавкат ҲАСАНОВ** – 1967 йилда Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. Филология фанлари доктори, профессор.

**Ольга СУХАРЕВА** – (1903-1983). Тарих фанлари доктори.


Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 19 869 нусхада чоп этилди. Буюртма 31

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56
БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Х.ЭРНАЗАРОВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009